

**Ҳ У К М**  
**Ўзбекистон Республикаси номидан**

2020 йил 10 февраль куни жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Ховос туман суди, Ховос тумани “Гулбахор” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Б.Мамадаминов

судья ёрдамчиси М.Кенжаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Ховос туман прокурорининг ёрдамчиси С.Боқиев, таржимон Ш.Умматов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси, адвокат А.Усмановнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан айбланган [REDACTED] га оид 1-1209-2002/4-сонли жиноят иши кўрилди.

[REDACTED]-1993 йил 07 июнь куни Туркменистон Республикасида туғилган, миллати туркман, рус тилида эркин сўзлаша олади, фуқаролиги йўқ шахс, маълумоти ўрта, уйланмаган, мукаддам: 1) жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Ширин шаҳар судининг 2014 йил 4 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми, 25, 273-моддаси 5-қисми ва 25,223-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57, 59-моддалари тартибида 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Гулистон туман судининг 2016 йил 17 июндаги ажримига кўра, ўталмаган 2 йил 5 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган; 2) жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Боёвут туман судининг 2018 йил 4 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари- 1.722.400 сўм жарима жазоси тайинланган, мазкур суднинг 2018 йил 26 декабрдаги ажримига кўра, жарима жазоси 19 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жазони тўлиқ ўтаб чиққан, Ширин шаҳар, Зиёкор кўчаси, 15-уй, 3-хонадонда рўйхатда туриб, Ширин шаҳар, [REDACTED] да яшайди, иш бўйича 2020 йил 27 январда “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 23 декабрда олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, иш материалларида мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Судланувчи [REDACTED] устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахс бўла туриб, маъмурий назорат қоидаларини бузишда ифодаланган жиноятини қуйидаги ҳолатда содир қилган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Сайхунобод туман судининг 2019 йил 15 апрель кунги қарорига кўра, [REDACTED] га 1 йил муддатга маъмурий назорат ўрнатилган бўлиб, унга “куннинг кеч соат 22:00 дан эрталабки соат 06:00 га қадар ўзи яшаб турган



уйдан чиқиб кетмаслик”, “спиртли ичимликлар билан савдо қилиш дўконлари ва уларни истеъмол қилиш жойлари (кафе, бар, ресторанлар)да бўлмаслик”, “ички ишлар идораларининг рухсатисиз Сирдарё вилоятидан ташқарига чиқиб кетмаслик”, “рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойнинг 15 куни Ширин шаҳар ИИБга келиб учрашиши” каби чекловлар ўрнатилган бўлишига қарамасдан, 2019 йил 21 апрель соат 01:30 ларда таниши [REDACTED] билан Ширин шаҳар касб-ҳунар коллежи олдида гаплашиб турганлиги аниқланиб, мазкур ҳолат юзасидан Ширин шаҳар судининг 2019 йил 24 апрель кунига қарорига асосан, унга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари- 405.460 сўм жарим жазоси тайинланган, бундан ташқари [REDACTED] ўзига тўғри хулоса чиқармасдан, 2019 йил 18 октябрь куни соат 23:38 да Ширин шаҳар, 4-даха, 11-уйи олдида алкоголь мастлик ҳолатида юрганлиги аниқланган.

Судда судланувчи [REDACTED] эълон қилинган айбга тўлиқ иқдорлик билдириб, қуйидагиларни яъни муқаддам бир неча марта судланиб жазо ўтаганлиги, суднинг 2019 йил 15 апрель кунги қарорига асосан 1 йил муддатга маъмурий назорат ўрнатилганлиги, унга ушбу қарор билан қуйидаги чекловлар яъни, “куннинг кеч соат 22:00 дан эрталабки соат 06:00 га қадар ўзи яшаб турган уйдан чиқиб кетмаслик”, “спиртли ичимликлар билан савдо қилиш дўконлари ва уларни истеъмол қилиш жойлари (кафе, бар, ресторанлар)да бўлмаслик”, “Ички ишлар идораларининг рухсатисиз Сирдарё вилоятидан ташқарига чиқиб кетмаслик”, “рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойнинг 15 куни Ширин шаҳар ИИБга келиб учрашиши” кабилар ўрнатилганлиги, 2019 йил 21 апрель соат 01:30 ларда таниши [REDACTED] уйга кузатиб, Ширин шаҳар касб-ҳунар коллежи олдида ўтиб кетаётганида ИИБ ходимлари томонидан аниқланиб, мазкур ҳолат юзасидан Ширин шаҳар судининг 2019 йил 24 апрель кунига қарорига асосан, унга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари- 405.460 сўм жарим жазоси тайинланганлиги, шундан сўнг 2019 йил 18 октябрь куни соат 21:00 ларда ёлғизликдан сиқилиб кетгани учун яшаш хонадонида ўзи пиво истеъмол қилиб, кўчага сайр қилиш мақсадида чиққанлиги, кўчада таниши [REDACTED] билан кўришганлиги, улар Ширин шаҳар истироҳат боғининг бошланиш жойида спиртли ичимликлар савдо дўконидан 1,5 литрли “Қибрай” пивони олганлиги, сўнг улар Ширин шаҳар, Бунёдкор маҳалласи, [REDACTED] олдида пивони истеъмол қилганлиги, кейин улар истироҳат боғида соат 23:00 гача сайр қилганлиги, ўша вақтда унга ўрнатилган чекловларни бузаётганлиги билганлиги, соат 23:30 ларда танишлари билан биргаликда кўчада кетаётганида уларнинг олдида ИИБ ходимлари келиб, унга ўрнатилган маъмурий назорат қоидаларини бузганини айтиб, холислар иштирокида баённома расмийлаштирганлиги, уни уни шифокор кўрикдан ўтказишганида спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги аниқланганлиги, ҳозирги кунда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини инобатга олиб, қонунда белгиланган енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи [REDACTED] ўз айбига иқдор бўлса-да, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги мақбул ва ишончли деб топилган далиллар мажмуи билан, яъни:

Судда сўралган гувоҳ [REDACTED] нинг 2017 йил 18 август кунидан буён Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлимида мудир лавозимида ишлаб келишлиги,



2019 йил 18 октябрь кунидан 19 октябрь кунига ўтар кечаси Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмасининг ШТТЁБда тунги навбатчиликда бўлганлиги, шу куни соат 23:50 ларда Ширин шаҳар ИИБ ходимлари маст ҳолатдаги фуқарони олиб келишганлиги, ушбу фуқарони тиббий кўрикдан ўтказиб беришини сўрганлиги, унга кейинчилик маълум бўлган [REDACTED] исми ва фамилиясини туғилган йили ва яшаш манзилини ўз сўзидан ёзиб олганлиги, [REDACTED] танасини кўздан кечирганида танасида ҳеч қандай тан жароҳатлари топилмаганлиги, ўзининг соғлиғи бўйича ҳеч қандай шикоятлар қилмаганлиги, алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлик ҳолатини сўраган вақтида ўз сўзлари билан алкоғолли ичимлик истеъмол қилганини тан олганлиги, бундан ташқари ушбу шахс билан бўлган суҳбат ва кўрик жараёнида ҳам унинг оғизидан алкоғоль ҳиди келиб турганлиги, кейин тиббий маълумотда “Амалий соғлом ўз сўзидан алкоғоль истеъмол қилган ҳолати” деб ёзиб берганлиги, сўнг ИИБ ходимлари тиббий маълумотномани олиб, [REDACTED] олиб кетганлиги, ИИБ ходимлари [REDACTED] унинг олдига олиб келишган вақти соат 23:50 бўлганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Шунингдек, жиноят иши материалларидаги билдирги, Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2019 йил 19 октябрь кунги 416-сонли маълумотномасидаги [REDACTED] алкоғоль мастлик ҳолати мавжудлиги ҳақидаги хулосаси, суд қарорлари, огоҳлантиришлар, ҳолат юзасидан олинган тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг сўроқ баённомалари ҳамда тўпланган бошқа ишончга сазовор далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи А.Кулиевнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи, қасдан янги жиноятни мастлик ҳолатда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга - маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, [REDACTED] нинг содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, жиноятни содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини инобатга олиб, қонун санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан [REDACTED] нинг дастлабки қамокда ўтирган 14 куни тайинланган жазодан чегириб ташлашни, шунинг билан биргаликда унинг зиммасига қўшимча тақиқларни юклашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454, 455, 457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд



**ҳ у к м қ и л а д и:**

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан сутканинг соат 22:00 дан 06:00 гача яшаш жойидан чиқиши чекланган ҳолда 2 (икки) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан [REDACTED] нинг дастлабки камоқда ўтирган 14 кун тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва унга ўташ учун сутканинг соат 22:00 дан 06:00 гача яшаш жойидан чиқиши чекланган ҳолда 1 (бир) ой 16 (ўн олти) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи [REDACTED] зиммасига назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик каби мажбуриятлар юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси талаби, яъни ўрнатилган мажбуриятларни (чекловларни) бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Судланувчи [REDACTED] нинг ўзига нисбатан қўйилган тақиқларга (чекловларга) риоя этиши ва унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш ҳамда ижросини таъминлаш вазифаси Ширин шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва [REDACTED] дарҳол суд залидан озод қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида мазкур суд орқали жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судига апелляция тартибида, ушбу муддат ўтгач кассация тартибида шикоят қилишга ва протест билдиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**Б.Мамадаминов**

**“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”**

**Жиноят ишлари бўйича**

**Ховос туман судининг судьяси**

**Б.Мамадаминов**

